

## БИОЛОГИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИ

**Бойназарова Сайёра Рузикуловна**

*Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти. “Урмончилик, доривор усимликлар ва манзарали боғдорчилик” кафедраси катта уқитувчиси.*

Tel: +998996786543 [sboynazarova@123gmail.com](mailto:sboynazarova@123gmail.com)

**Аннотация:** *Ушбу мақолада бугунги кунда таълим тизимидаги ҳолатлар, Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташилотлари педагог кадрларни атестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарорда белгиланган вазифаларни ўқитувчи касби учун келтирилган жиҳатлари, ҳамда таълимнинг бир қатор шакллари ҳақида фикр ва мулоҳазалар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *Билим, таълим, компетентлик, компетенция, таълим парадигмалари, дуал таълим*

Янги тараққиёт йўлида ривожлана бораётган жамиятда шахсининг ўз-ўзини ривожлантириш, ўз ички салоҳиятини юзага чиқаришга интилиш, интеллектуал имкониятларини кенгайтириш каби ижтимоий эҳтиёжларининг аниқ билимларни ўзлаштириш ва кўникмалар орттириш сингари эҳтиёжлардан кўра аҳамиятлироқ бўла бораётганлигини кўриш мумкин. Кейинги 30 йил ичидаги жамиятдаги таълимий эҳтиёжни ўрганиш асносида шуни кузатиш мумкинки, дастлабки ўн йилда – “Нимани қай даражада ўрганиш”, навбатдаги ўн йилда – “Нимани қандай ўрганиш” тартиби асосида ўқув жараёнлари ташкил этилган бўлса, охириги ўн йилда “Нимани қайдай мақсадда ўрганиш лозим”лик масаласи кўпроқ аҳамият касб этмоқда [5, 28-б].

Халқ таълимига бўлган талабларнинг мазмунан янгиланганлигини яққол намоён этувчи энг асосий омил шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасининг таълим сиёсатида амал қилинадиган тамойиллар сони 1997 йили қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонунда 9 та пунктдан иборат этиб кўрсатилган бўлса [1, 3-модда], 2020 йил қабул қилинган.

Мазкур муаммолар ўқитувчиларнинг янгиланган таълим парадигмалари шароитида ўз фаолиятларини ташкил этишлари, ўз компетентлиликлари ва касбий компетенцияларини намоён қилишларида қатор номувофиқликларни келтириб чиқаради. Бу ҳол эса мамлакатимиз халқ таълими соҳасидаги педагог-кадрлар фаолиятига оид юқорида санаб ўтилган муаммолар янгиланган таълим парадигмалари билан ўқитувчиларнинг касбий тайёрланганлиги, яъни таълимга бўлган замонавий талабларга жавоб берадиган касбий хусусиятларга ва компетенцияларга эга бўлганлик даражалари ўртасидаги мувофиқликни ўрганиш етарли даражада йўлга қўйилмаган, деган хулоса чиқаришга ундайди.

Юқоридаги муаммолар ҳамда уларга оид хулосалардан келиб чиқиб, куйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

Ўқитувчиларнинг замонавий таълим тизими олдида қўйилган талаблар асосида ўқув жараёнини ташкил этишлари учун лозим бўлган энг муҳим касбий сифатларининг минтақавий шароитларга мослаштирилган вариатив мажмуаси ишлаб чиқилиши зарур ва мазкур мажмуага:

-ўқитувчининг ўз-ўзини касбий жиҳатдан узлуксиз ривожлантириш соҳасида амалга оширган ишларининг натижаси;

-ўз касбий компетентлиги ва компетенцияларини ривожлантириш воситаларидан фойдалана олганлик даражаси;

-касбий компетентлиги, компетенциялари ва касбий сифатларини ўз шахсий жиҳатлари билан уйғунлаштира олиш [4, 54-б] каби касбий сифатлар киритилиши лозим.

Мазкур мажмуага кирувчи санаб ўтилган хусусиятларга эга бўлган ўқитувчи ўқув фаолиятининг ҳар хил турларини (ўқув-билиш, лойиҳалаш, ўқув-тадқиқот) ўқув жараёнида уйғунлаштириб, ўз функцияларини кенгайтириб ва такомиллаштириб боради. Бундай сифатларга эга бўлган ўқитувчи бир дарс жараёнида баён этувчи, дарсни бошқарувчи, ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлибгина қолмай, маслаҳатчи, лойиҳа ташкил этувчиси, ўқув-тадқиқот иши раҳбари, ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини рағбатлантирувчи, ўқувчиларнинг барча фаолият турларидаги ишончли ҳамкор вазифасини ҳам муваффақиятли бажара олади.

Таълим парадигмалари ўзгарувчандир: барча даврда ҳам янги парадигманинг қарор топиши (биз тадқиқот давомида таълим парадигмаларига нисбатан “шаклланиш” сўзини қўлламадик, зеро, таълим парадигмалари “шаклланмайди” – улар қарор топадилар) мавжуд парадигмаларнинг тўлиқ ёки қисман инкор этилишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълимнинг ҳеч бир парадигмаси доимий эмас: у доимий янгиланиб боради. Тадқиқот давомида таълим ва жамиятнинг уйғун ривожланишининг қонуниятларини ўрганилиб, янги парадигмаларнинг барқарорлик даражаси жамият равнақига тўғри мутаносиб эканлигини мулоҳазалар воситасида асослаб берилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь ЎРҚ-637 сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.09.2021 йилдаги 572-сонли “Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари

таълим ташкилотлари педагог-кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида.

4. Чечева, Н.А. Мониторинг как инструмент поддержки профессионального развития педагога Электронный ресурс.